

**XX-асрнинг 20-йилларида ўзбекистонда хунармандчилик анъаналарига
муносабат**
О.А. Остонов
ТошДАУ

1917 йилдан кейин ўлкада шўролар ҳукумати тўғридан-тўғри социалистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларни зўрлик билан қарор топтириш йўлидан борди. Туркистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига доир тузилган барча дастурлар маҳаллий шароитни ҳисобга олмай амалга оширила бошланди. Қисқа муддат ичида, 1917 йилнинг охирлари ва 1918 йилнинг биринчи ярмида ўлканинг 330 дан ортиқ кичик ва катта саноат корхоналари давлат ихтиёрига олинди. Бу даврда нафақат саноат корхоналари, хаттоки, хунарманд ва косиблар ихтиёридаги устахоналар, хунармандчилик қолиплари, дастгоҳлар, чархлар, хатто игналар ҳам мусодара қилинди, бу асрлар давомида шаклланиб келган меросий хунармандчилик анъаналарига бутунлай зид эди.

Саноат ишлаб чиқаришини ёппасига давлат тасарруфига олиниши мутлақо хато эди. Чунки, большевикларнинг бу зўравонлик тадбирлари, бир томондан ўлка халқларининг азалий меҳнат кўникмаларига қарши қаратилган бўлса, иккинчи томондан минглаб маҳаллий хунарманд ва косибларнинг ижтимоий ахволига путур етказиши табиий эди. Зўравонлик билан ноилмий ғояларга асосланган ҳолда саноатни ва унинг таркибий қисми бўлган хунармандчиликнинг бирданига “социалистик” асосда ишлаб чиқариш йўлига буриш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботини кўрсатди. Лекин шунга қарамасдан хунармандлар мулкини тортиб олиш ва давлат ихтиёрига ўтказиш истиқлолчилик ҳаракати бошларида ақл бовар қилмайдиган даражада тезлашди. Натижада, ҳаёт кечириш, оилани боқиш учун яраб турган хунармандчилик воситаси бўлган мулкидан ажраган хунарманд косиблар большевиклар режимига қарши курашиш учун истиқлолчилар сафини тўлдирдилар. Шўро ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва марказнинг ғоявий таъсирини кучайтириш мақсадида марказий ҳукумат маҳаллий раҳбариятнинг ўта сўл қинғирликларини “силаб сийпалаш” учун шошилиб, иқтисодий жиҳатдан кам қувват бўлган хусусий хунармандчилик корхоналарини ўз эгаларига қайтариш юзасидан айрим тадбирларни амалга оширди. Чунончи, фақат биргина Самарқанд халқ хўжалик кенгаши 1920 йилнинг июнида ўттиздан ортиқ хунармандчилик ва майда корхоналарни аввалги эгаларига қайтарди.

Умуман олганда, Туркистон хунармандчилик-косибчилик саноати ўлкадаги саноат корхоналарининг 90 фоизидан кўпроғини ташкил этарди ва бутун саноат махсулотининг тўртдан бир қисмидан кўпроғини ишлаб чиқарарди. Хунарманчилик корхоналари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқара ва асосан туб ерли аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиларди. Хунармандчилик саноати ҳар йили 5 млн. бўлак жун газлама, 300 млн. дона тери, 13 млн. донагача идиш ва бошқа кўплаб махсулотлар ишлаб чиқарар эди. Хунармандчилик махсулотларига бўлган эҳтиёж айниқса истиқлолчилик ҳаракати йилларида ортиб кетди. Бу вақтда давр тақозосига кўра аҳоли зарурияти учун ишлатиладиган махсулотларни марказдан Туркистонга олиб келиш тўхтаб қолган эди. Бундай шароитда шўро давлати хунармандларни ўз назорати остига олишни зарур деб ҳисоблади. Амалда эса бу хунармандларни мустақилликдан маҳрум этиш, марказлашган режали меносабатлар тизимига мажбуран киритиш, саноатдаги мазкур майда товар укладидан муҳофаа эҳтиёжлари йўлида, пировард натижада мустабид жамиятнинг иқтисодий пойдеворини яратиш ва мастахкамлаш учун фойдалиниши режалаштирилган эди. Тўғри, хунармандчилик ишлаб чиқаришини социалистик изга солиш йирик ва ўрта саноатда бўлганидек, ўта кўпол ва зўравонлик усуллари билан амалга оширилмади. Хунармандларга маълум даражада ташкилий ва иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Ана шу мақсадда 1918 йилнинг июлида Туркистон АССР Саноат халқ комиссарлиги ҳузурида хунармандчилик саноати бўлими ташкил топди, кейинчалик улар жойларда ҳам ташкил этилди. Ўлка ва бир қатор маҳаллитий хунармандчилик омборлари ҳамда ўқув кўргазмали устахоналари ташкил этилди. Махсус ташкил қилинган давлат омборлари хунармандлар учун ашё, материаллар ва ишлаб чиқариш қуроллари тайёрлаб, уларни таъминлаб турди, шунингдек, улар ишлаб чиқарган махсулотларни харид қилди. Давлатнинг кафолатли буюртмалари тизимини йўлга қўйишга доир тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, 1919 йилнинг кузида қарийб 33 минг нафар хунарманд давлат буюртмаларини бажарди. Иқтисодий берқарорлик, ҳам ашёни сотиб олиш ва тайёр махсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар шароитида кафолатли буюртмалар хунармандчилик саноатини қўллаб-қувватлаб туришда сезиларли аҳамиятга эга бўлди.

Умуман, хунармандлар куч-ғайратларининг давлат топшириқларини бажаришга қаратилиши шунга ёрдам берадики, 1920 йилда давлат назоратида бўлган хунармандчилик корхоналари саноат махсулотининг 48

фоизини берди. Бу шак-шубхасиз, ўлканинг кескин иқтисодий муаммоларини хал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунга қарамасдан, хунармандчилик ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг умумий стратегияси унинг ривожига тўсиқлик қилар эди. Бу эса соғлом иқтисодий ўзанга буриб юбориш имконини бермасдан. Хунармандлар ва косиблар, мамлакатнинг бутун аҳолиси каби, давлатнинг мажбурий кунбайчиларига айланиб қолган эдилар. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиб туриш ижодий ташуббусини бўғар, якка тартибдаги истеъдод усталарининг мазмун жиҳатдан ноёб бўлган меҳнатини бир хиллаштириб, айниқса халқ хунармандчилиги тизимида миллий анъаналарнинг ривожланишига тўсиқ бўларди.

Тадқиқ қилинаётган йилларда Ўзбекистон косиб ва хунармандларни кооперацияга жалб қилиш жараёни иккита ташкилий даврга бўлинади. Биринчи давр, Умумтуркистон хунармандчилик кооперацияси ишлаб чиқариш – Туркистон саноати иттифоқи (“Туркпромсоюз”) (1921 йил феврал) ташкил қилиниши бўлса, иккинчиси, Ўзбекистон саноати иттифоқи (“Ўзпромсоюз”) (1925 йил 5 декабр) фаолияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон хунармандчилик кооперациясининг ягона марказий ташкилоти Ўзбекистон саноати уюшмаси (“Узпромсоюз”) ўзининг фаолиятини, асосан Самарқанд, Фарғона ва Зарафшон вилоятлари ва туман хунармандчилик кенгашлари орқали амалга оширди. Хунармандлар ва хунармандчилик артелларини Ўзбекистон саноати иттифоқи тармоқларининг артелларига жалб қилиш жараёни барча туман иттифоқлари билан бир вақтда олиб борилди. 1927 йил 1 январига келиб Тошкент ва Самарқанд туман хунармандчилик иттифоқларидан ташқари ч(унки, бу жойларда кооперативлаштириш жараёнлари жадал кетмоқда эди.) ҳар бир туманда хунармандчилик артеллари ташкил қилиниб, улар сони 17 тадан 27 тагача ташкил қилди. 1927 йил 1 октябрга келиб хунармандчилик артеллари сони 386 та бўлган бўлса, 1928 йил 1 октябрга келиб эса 415 тага етди ёки 1927 йилга нисбатан 7.5 фоизга ўсди. Хунармандчилик артелларининг ўсиш даражасининг пастлигига сабаб Ўзбекистон саноати иттифоқи “кичик” хунармандчилик артелларини қисқартириб, уларни бир қадар каттарок хунармандчилик артелларига бирлаштирилганлигида эди. Натижада, кооперативлашган хунармандлар сони 1927 йил 1 октябрга 16484 нафарни ташкил қилган бўлса, 1928 йил 1 октябрга келиб 27668 нафар кишига (шулардан 2800 нафари аёллар) етди ёки 33.4 фоизга ортди. Бу кўрсаткич хунармандлар оммасини кооперативлаштиришда анчагина ютуқларга

эришганлигидан гувоҳлик беради. Бирок, хунармандчилик кооперацияси хали ўзининг ташкилий қурилиш жараёни босқичини давом эттирмоқда эди, чунки Ўзбекистонда 1930 йилга келиб барча косиб ва ва хунармандларнинг 16.8 фоизигина кооперацияларга тортилган бўлиб, ЦСУнинг ҳисобига кўра бу вақтда хунарманд-косибларнинг умумий сони 130470 нафарни ташкил қилар эди.

Хунармандчиликнинг ташкилий жиҳатдан бошқаришда юзага келган бу номутаносиблик мустабид тузум раҳбарларини қониқтирмас эди. Хунармандчилик кооперацияси тармоқларида кооперативлаштириш жараёнини тезлаштириш барча тармоқлар бўйича ташкилий қайта қурилишни жадаллаштиришни талаб қилар эди. Хунармандчилик кооперацияси олдида хўжалик аҳамиятига эга бўлган ана шу муҳим ташкилий вазифаларни хал қилишда ВКП (б) МҚнинг 1930 йил 16 февралдаги “Косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришини кооперациялаш ва жамоалаштириш тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон компартияси МҚси ва ҳукумати учун хунармандчилик кооперацияси тармоқларини қайадан ташкил этишда асосий восита бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб.
2. История народного хозяйства Узбекистана. Т.І. – Т., С.18.
3. Народное хозяйства Туркестана. 1920, №4. С. 8-9.
4. Нуруллин Р.А. Некоторые вопросы социалистического преобразования промышленного производства в Советском Туркестане. Т., 1991. С. 233-234.
5. Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане. – Т. АН УзССР,
6. История народного хозяйства Узбекистана. Т.І. – Т., С.18.
7. Народное хозяйства Туркестана. 1920, №4. С. 8-9.
8. Нуруллин Р.А. Некоторые вопросы социалистического преобразования промышленного производства в Советском Туркестане. Т., 1991. С. 233-234.
9. Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане. – Т. АН УзССР